“ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК”ДА ҲАЙВОН ЖИНСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Ҳ.Дадабоев

В статье рассматриваются способы выражения пола животных в «Диван луғат ат турк» Махмуда Кошгари в сопоставлении с древнетюркскими и более поздними письменными памятниками.

In this article are considered the ways of expression of a floor of animals in “Divani lugati Turk” written by Mahmud Koshgari in comparison with old Turkish and later written monuments.

Маҳмуд Кошғарий “Девон”ни тузиш асносида XI асрда туркий уруғ ва қабилалар, элат ва халқлар ҳаёт кечирган минтақаю ҳудудлардаги кенг далалар, ўрмонлар, чўлу саҳролар, дашту тоғлар бағрида мавжуд бўлган флора ва фаунага ҳам диққат қилган, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид номларни тўплаган ва уларни ўз луғатига киритиб, изоҳлаган. Бунда атоқли луғатшунос ҳайвонот дунёсидаги умумий жиҳатлар қатори фарқли томонларни ҳам синчковлик билан таҳлил этган. Ҳайвонлар жинси - эркак, урғочилиги, ёши нуқтаи назардан номланиши каби ҳолатларга диққатини қаратган. Шу йўсинда аждодлар тилида қўлланишда бўлган зоонимларга доир ўзига хос тадқиқот яратилган.

Ҳайвонот дунёси луғатда куруқликда ва сувда яшайдиган ҳамда ҳавода парвоз қиладиган гуруҳларга ажратилган, дейиш мумкин.

“Қанотли, учадиган жонзотлар” семемаси учун *қуш* туб лексемаси истеъмолда бўлган. Луғатда қушларнинг бир қатор турлари тилга олинган. Хусусан, “оқ лочин” ўруң қуш, “бургут” қара қуш, “туя қуш" тэвай қуш, “товус” йун қуш, “қирғий” эл қуш [I,319], “чумчуқ” қушғач [I,424],

“оқ қуш” қуғу [III,245], “қарға” қарға [I,401], “қалдирғоч” қарлығач [I,479], “шунқар” сунқур [III,392] ва ҳ.к. шулар жумласидандир.

Албатта, келтирилган номлар нор ва мода (макиён) қушларга нисбатан ҳам қўлланган. Айни чоғда Маҳмуд Кошғарий қушлардаги жинсий тафовутни ифодаловчи лисоний белгиларни ҳам луғатида акс эттирган.

Маълумки, “Девон”да “хўроз ва товуқларнинг умумий номи” такағу лексемаси билан аталган [I,417]. Айни чоғда “хўроз” сememаси учун алоҳида эркäк тақағу [I,418], “мокиён товуқ” сememаси учун эса тиши тақағу бирикмалари ишлатилган [I,418]. “Қисаси Рабғузий”да “хўроз” маъноси эркäк тавуқ бирикмаси билан аталган [I,44]. “Кодекс куманакус”да қайд этилган товуқ фонетик шаклнинг “Хусрав ва Ширин” ҳамда “Нахжул-фародис”да айни “Қисаси Рабғузий” тилидагидек ишлатилиши бу шаклнинг кейинги даврларга келиб фаоллашганини билдиради [СУЯ,II, 326]. Ушбу кейинги шакл ҳозирги ўзбек тили учун меъёр ҳисобланади.

“Ҳайвонот” маъноси Турфон матнларида йылқы қара бирикмаси билан ифодаланган [ДТС,267]. Ушбу бирикманинг биринчи компоненти *йылқы* “тўрт оёқли ҳайвон” умум маъноні англатишини Маҳмуд Кошғарий луғатида таъкидлаган: туйағлығ йылқы - туёқли ҳайвонлар [III,41]. Ушбу лексема (йылқы) қадимги туркий тилда аксарият отларга нисбатан ишлатилган. Лексеманинг дифференциал маъно касб этиши “Ўғузнома”да яққол кўзга ташланади [ДТС,267]. “Қутадғу билиг” муаллифи бу сўзни мажозий маънода одамларга нисбатан “ҳайвон” тарзида ишлатади [ДТС,267]. Йылқы қара бирикмасининг айни маънода “Қисаси Рабғузий”да ишлатилганлигини қуйидаги ашёвий мисол ҳам кўрсатади: Одамийларның, йылқы қараларның нажáсатлары кэмидä тэлим болды [I,44]. Мазкур мисолда инсонлар ва ҳайвонларни фарқловчи махсус истилоҳлар ишлатилган. Ҳозирги ўзбек тилида йилқи лексемаси фақат отларга нисбатан умуммаънода қўлланади.

Луғатда эркак ҳайвонлар тури учун эркäк, урғочи ҳайвонлар жинси учун *тиши* лексемалари кўлланган. Лекин ҳайвонларнинг жинси фақат шу икки лексеманинг уларни номлаган сўзлар олдида қўлланиши билангина фарқланган, деган хулосага келиш хатодир. Зеро, бир қатор ҳайвонларнинг жинсий тафовути хос лексема-зоонимлар ёрдамида очилган. Ушбу мулоҳазани таҳлил давомида диққат марказида тутиб туришга ҳаракат қиламиз.

“Йилқи, от” сememаси юқоридаги *йылқы* зоонимидан ташқари бугунда ҳам фаол қўлланувчи *ат* сўзи билан ҳам ифодаланган: эр ат эзáрлäди - киши от эгарлади [I,293]. Ҳар икки лексема отнинг жинси эркак ёки урғочилигини очиб бермайди. Бу ерда жинсидан қатъий назар ҳайвоннинг бир тури ҳақида тасаввур ҳосил бўлади.

Отнинг эркаги, яъни айғир “Девон”да *азғыр* лексемаси билан номланган: азғыр қысыр кишнади - Айғир ва байтал кишнашди [II,317]. Ушбу зооним Култегин битигтошида адғыр фонетик шаклида ишлатилган. “Олтун ёруғ” тилида ат адғыр жуфт сўзи “отлар (битилган) ва айғирлар” маъносини билдирган [ДТС,10]. Тойнинг айғир даражасига етиши азғырлан феъли билан англашилган [I,304]. Байталнинг айғирли бўлиши ҳам ушбу феъл ёрдамида ифодаланган. Азғыр лексемасининг айғыр фонетик шакли ҳам луғатдан ўрин олган[III,134].

“Урғочи от” сememаси би лексемаси билан англашилгани луғатда таъкидланган: би қысыр болды - Бия қисир қолди [III,223]. Ушбу лексема муайян даражада қысыр сўзи билан синонимик қаторни юзага чиқаради. Зеро қысыр сўзи урғочи ҳайвон ҳақида тасаввур туғдиради, яъни фақат урғочи ҳайвонгина қисир қолиши мумкин. Модомики, сўз қисир от, байтал ҳақида борар экан, ушбу маънонинг луғатда бир лексема - *қысрақ* зооними билан ҳам аталишини урғулаш лозим. Луғат муаллифи бу лексеманинг аксарият “бия” маъносини, баъзан “қисир қолган ёш бия”ни ифодалашини таъкидлайди: қысыр қысрақ - Қисир бия [I,344].

“Туя” маъноси луғатда тэвä, тэвäй, тэви, дэвä лексик вариантлари билан ифодаланган. Биринчи тэвä [III,153] ва сўнгги дэвä [III,245] фонетик вариантлари ўғуз лаҳжали халқлар тилига оидлиги луғатшунос томонидан алоҳида таъкидланган. Тэви фонетик вариантининг турк тилларига (ўғуз, қипчоқ, чигил тилларидан бошқа) хослиги эътироф этилган [III,153]. Тэвäй фонетик вариантининг қайси диалектга доирлиги ҳақида маълумот берилмаган [III,245]. Умумлаштирувчи маъно касб этган бу сўзлардан фарқли ўлароқ, туянинг эркак ва урғочисини фарқлаш мақсадида муайян зоонимлар қўлланганини “Девон” материалидан билиб олиш мумкин. Хусусан, “урғочи туя” сememасини англатишда иңäн ва тытыр зоонимларидан истифода этилган. Биринчи зооним илк бор кадимги туркий тил манбаларида айни маънода ишлатилган [ДТС,211].

Луғатда бу зооним бир ўриндагина қайд этилади: Иңän эңрäсä боту бозлар - Она туя инграса, бўталоқ бўзлайди [I,142]. XIV аср Хоразм обидалари тилида ҳам бу зооним қўлланган [СУЯ,I,423]. Уни биз "Қисаси Рабғузий"да учратамиз. Иккинчи зооним, яъни тытыр "урғочи туя" маъносида фақат "Девон"дагина изоҳланган [I,342]. Қадимги туркий тил битигларида ҳамда "Қутадғу билиг"да бу лексема туянинг бир турини англатган [ДТС,564]. "Таржумон"да титир араб туяси деб изоҳланган [15а13]. Таҳлил этилаётган семеманинг акси, яъни "эркак туя" маъноси аждодлар тилида *буғра* зооними билан ифодаланган: буғра киркини кирди - Эркак туянинг шахвати қўзғаладиган пайт келди [I,397]. Мазкур зооним биринчи бор қадимги туркий тилда ишлатилган, Юсуф Хос Ҳожиб асарида ҳам у ўз ифодасини топган [ДТС,120]. Шу ўринда буғра туркий халқлар томонидан эъзозланган, тотем сифатида уларнинг кундалик турмуш тарзида муҳим роль ўйнаганини эслаш мақсадга молик. Бу зооним атоқли отларга қўшилиб, лақабларнинг шаклланишида қатнашган. Хусусан, Қорахонийлар сулоласининг дастлабки вакилларидан бирининг номи Буғра қара хан бўлганлиги луғатда таъкидини топган [III,397]. Буғра "эркак туя" маъносида (тўғри ва кўчма) кейинги даврларда яратилган обидалар тилида фаол қўлланган билан характерланади [СУЯ,285]. Эркак туянинг ахта қилингани атан истилоҳи билан номланган: атан йўки аз болса ачқа аз көрўнўр - Туя (ахта) кўтарган юк ҳам очга кам (оз) кўринади [1,105]. Ахта қилинган туялардан асосан ишчи улов тарзида фойдаланилган. Ушбу лексеманинг дастлабки ишлатилиш вақти қадимги туркий тилга бориб тақалади ва у атан буқа "ҳўкиз" маъносини ифодаловчи бирикма таркибида келган [ДТС,66].

"Туянинг боласи, бўта, бўталоқ" сememаси боту, ботуқ ва турум зоонимлари билан англашилган. Боту зооними "бўталоқ" маъносида луғатда -ол ботуны бозлатты [II,393] бир неча ўринда қўлланган. Уни "Қутадғу билиг" тилида ҳам учратамиз. Лекин Юсуф Хос Ҳожиб уни кўчма маънода, яъни "болажон, болагинам, азизам" маъносини ифодалаш мақсадида ишлатган [ДТС,115]. Ушбу жиҳат боту зооними нинг фаоллигини белгилайди. Унинг маънодоши - варианти ботуқ фақат "Девон"дагина қайд этилган [III,236]. Боту вариантининг "Қисаси Рабғузий"да қўлланиши, унинг меъёрлашганини билдиради. Бўталоқлар ҳам жинс жиҳатдан фарқланган, улар учун алоҳида зоонимлар мавжуд бўлган. "Урғочи бўталоқ" сememаси тиши турум бирикмаси билан ифодаланган [I,377]. Юқорида эркäк лексемасининг эркак жинсли ҳайвонларни ифодалашда қўлланганини ҳисобга олиб "эркак бўталоқ" сememасининг эркäк турум бирикмаси билан аталганлигини илғаб олиш қийинчилик туғдирмайди.

"Отнинг айғир боласи, тойча" сememаси "Девон" матнида қулун зооними ёрдамида ифодаланган: Толум анутса қулун булур - Қуролни ҳозирлаган қулунни ҳам топади [I,221]. Ушбу лексема дастлаб қадимги туркий тилда айни маънони англатган ҳолда қайд этилади [ДТС,465]. "Таржумон" муаллифи қулунни "кичик той" тарзида изоҳлайди [13а-7]. Иккинчи бир жойда зоонимнинг "бир ёшли той"ни англатиши айтилган [13а-9].

"Тойча" маъноси луғатда тай лексемаси билан ифодаланган ва бир қатор ўринларда келтирилган: тай ататса ат тынур, оғул эräзсä ата тынур - Той вояга етса от дам олади, ўғул балоғатга етса ота тин олади [I,178]. "Таржумон"да тай икки ёшдаги тойга нисбатан ишлатилиши таъкидланган [13а-10]. Тай лексемаси тойчанинг эркак ёки урғочисини ифодалашини ажратиш анча мушкул. Бироқ ҳозирги ўзбек тилидаги тойчоқ, той бола каби мажозий, эркалашни билдириш учун қўлланаётган сўзларнинг маъно-мазмунидан тай аксарият эркаклик жинсини ифодалаган, деган хулосага келиш ўзини оқлайди. "Икки ёшли той" сememасини Маҳмуд Кошғарий сып зооними англатишини таъкидлаган [I,309]. "Тойча, той" сememаси луғатда шунингдек, төсän зооними ёрдамида ҳам очилган [I,382]. Алишер Навоий тилида ушбу лексема тавсан шаклида қўлланган. Кези келганда отларнинг ёшига нисбатан номланишига тўхталиб, уларнинг "Таржумон"да ифодаланишини келтириш мақсадга мувофиқ. Чунончи, "бир ёшли той" қулун, "икки ёшли той" тай, "уч ёшли той" қунан, "тўрт ёшли той" дönän ва арба зоонимлари билан аталган [13а-9,13]. Тўрт ёшдан ошган от "Девон"да öг ат бирикмаси билан изоҳланган [I,82].

"Хачир"нинг ҳам эркаги, ҳам урғочиси қатыр зооними билан номланган [1,344].

"Ёввойи отдан қочган хонаки байтал боласи" аркун зооними ёрдамида аталган [I,137].

"Қўй" маъносини қой зооними англатган: тэвä мўнўп қой ара йашмаз -Туяга миниб, қўйлар ичида яшириниш мумкин эмас [III,60]. Қадимги туркий тилда, хусусан, "Олтун ёруқ"да кўрилаётган маъно қойын фонетик шакли билан номланган [ДТС,453]. "Уғузнома"да мазкур сўз қойун тарзида ишлатилган [ДТС,453]. Қой, қойын, қойун вариантлари умуман қўй ҳамда

урғочилик белгисига эга жониворни англатган. “Қўй”нинг жинсий жиҳатдан зидди, яъни “эркак қўй” қоч [I, 311], қочынар [I, 311], қочнар [III,392] зооним - вариантлар билан ифодаланган. XIV аср Хоразм обидаларида қой [СУЯ,630], қойун [СУЯ,632] “кўй [урғочи]” маъносида ишлатилган. Қочқар лексемаси эса “эркак қўй – қўчқор”ни ифодалаган [СУЯ,638]. “Таржумон”да қойун “қўй”, қочқар, қоч зоонимлари қўлланишда бўлган[15б-12,13]. Ушбу асарда “урғочи қой” маъноси тиши қойун бирикмаси билан ифодаланганлиги таъкидланган [15б-4].

“Қўзи, қўзичоқ” сememаси қозы зооними билан англашилган [I,415]. Мазкур бирикма “Қисаси Рабғузий”, “Хусрав ва Ширин” тилида акс этган [СУЯ,II,629]. Қўй-қўзилар ёшига қараб қуйидагича номланган: тоқлы “бир ёшли қўзи” [Таржумон,15б-16], Маҳмуд Кошғарий бу зооним олти ойлик қўчқор, қўзини ифодалашини айтиб ўтади [I,405]. Шишäк “икки ёшли қўй” [Таржумон, 15в-17]. “Девон”да бу зооним тишäк фонетик шаклида берилган ва айни маънода изоҳланган [I,368], öгäч “уч ёшли қўй” [Таржумон, 15б-19]. Маҳмуд Кошғарий бу зоонимни “4 ёшдан ортган ҳайвон, жонвор” тарзида изоҳлаб, öк ат 4 ёшдан ошган от мисолини келтиради [I,82].

“Йирик шохли қора мол” сememаси “Девон”да сығыр зооними ёрдамида англашилган [I,344]. Мазкур лексеманинг маънодоши ҳам мавжуд бўлиб, у иңäк лексемаси билан ифодаланган [I,135]. Маълумки, сигир лексемаси ҳозирги ўзбек адабий тилида меъёрлашган, инак эса шева элементи ҳисобланади.

Кейинги зоонимнинг урғочи тошбақага нисбатан ҳам ишлатилиши “Девон”да келтирилган [I,135]. XIV аср Хоразм обидаларида сығыр ҳам, инак ҳам [СУЯ,419] қўлланишда бўлган. Ҳар икки лексема қипчоқ тилларида ҳам қўлланган [Таржумон,15б-4,7]. “Сигир” маъносининг зидди бўлмиш “буқа” сememаси луғатда буқа лексемаси билан англашилган: сығыр буқа мўңрäшўр - Сигир ва буқалар маърашади [II,246]. Эътироф этиш лозимки, буқа зооними илк марта Тўнюқуқ битигтошида ишлатилгани билан характерланади. “Эркак қора мол: насл берувчи” сememасини ифодаловчи буқа сўзи ҳозирги ўзбек тили лексик тизимидан ўрин олган. “Сигир боласи, бузоқ” сememаси бузағу зооними билан ифодаланган: öкўз азақы болғынча бузағу башы болса йэг - Ҳўкиз оёғи бўлгандан, бузоқнинг боши бўлиш яхши [I,58]. Ҳозирги ўзбек тилидаги бузоғ фонетик шакли биринчи бор “Ўғузнома”да акс этган [ДТС,130]. Бузағу лексемаси ҳам эркак, ҳам урғочи бузоқни ифодалашда қўлланаверган. Ушбу лексема “Қисаси Рабғузий”, “Таржумон” [15б-8] каби XIV аср манбалари тилида мавжуд бўлган. Юқорида “Девон”дан келтирилган гапдаги öкўз зооними “ҳўкиз”ни англатган. Ҳўкизлар аксарият бичилган буқалар бўлиб, оғир меҳнатни бажариш учун улардан фойдаланилган. XIV аср Хоразм обидаларидан “Гулистон бит туркий” ва “Хусрав ва Ширин” тилида қайдланади [СУЯ,II,189]. Айни фонетик шакл ҳамда маънода бу зооним “Таржумон”дан ҳам жой олган [15б-5].

“Урғочи бузоқ, бир ёшли бузоқ”нинг тана зооними ёрдамида англашилиши “Таржумон”да зикр этилган [15б-9]. “Сигир” маъносининг "Девон"да уз́ асл сўзи билан номланганини ҳам қайд этиш мақсадга молик: Уз́ мунграды - Сигир маъради [II,413]. Бу лексема дастлаб Турфон матнларида уд фонетик шаклида қўлланган. Юсуф Хос Ҳожиб уни инсонга нисбатан ишлатган. Астрономияда уд “сигир буржи[савр]ни” билдирган [ДТС,605]. Маҳмуд Кошғарий “сигир йили”нинг уд йылы деб номланишини айтиб ўтган [I,331]. XIV аср обидаларида зооним уй фонетик шаклини олган ва “сигир” маъносида фаолият кўрсатган: Илáҳий, арслан уй бирлä ... душман турурлар, нэтäк қылайын? тэди [Қисаси Рабғузий,I,42]. Лексеманинг ушбу фонетик шакли Алишер Навоий, Бобур асарларида ҳам сақланиб қолган.

Майда туёқли ҳайвонлардан бири ҳисобланмиш “эчки” маъносини ифодалаш эчкў зоонимига юклатилган: эркäч эти эт болур, эчкў эти йэл болур - Така гўшти даво бўлади, эчки гўшти ошқозонни дам қилади [I,120]. Мазкур зоонимнинг антоними эркäч зооними бўлганлиги келтирилган мисолдан яққол намоён бўлган. Эркäч зооними Юсуф Хос Ҳожиб томонидан ҳам ишлатилган [ДТС,179]. Ушбу зоонимга täкä лексемаси маънодошлик қилган [III,248]. Кейинги давр обидаси “Таржумон”да täкä ва täкäчäк фонетик шакллари қайд этилган. Эркäч кўзга ташланмайди. Ушбу обидада тиши эчки бирикмаси ҳам келтирилган ва у “урғочи эчки” тарзида изоҳланган [16а-7].

Маҳмуд Кошғарий “урғочи тоғ эчкиси” сememасининг арқар зооними ёрдамида ифодаланишини урғулайди [I,139].

“Улоқ, эчки боласи”нинг оғлак зооними билан англашилганини Маҳмуд Кошғарий зикр этган [I,141]. Табиий, бу лексема ҳам эркак, ҳам урғочи улоққа нисбатан қўлланаверган.

Мушуксимонлар оиласига тегишли йиртқич ҳайвонлардан бири ҳисобланмиш мушукни англатиш учун луғатда муш лексемаси ишлатилган: муш оғлы муйаву тоғар – “мушук боласи миёвлаб туғилади”[III,22]. Маҳмуд Кошғарий ўғуз қабилалари урғочи мушукни чэтўк, эркак мушукни эса кök чэтўк зоонимлари билан номлашларини таъкидлайди [I,369]. “Таржумон”да чэтўк ва тäчи зоонимлари эркак мушукка нисбатан ишлатилган [12a-10]. XIV аср Хоразм обидалари тилида чэтўк “эркак мушук; мушук” маъноларида ишлатилган [СУЯ,II,516]. “Қисаси Рабғузий”да мушук зооними “эркак мушук” маъносини англатади [I,44].

Итсимонлар вакили “ит”ни ифодалаш учун аждодлар қадимдан ит лексемасидан фойдаланганлар [I,71]. “Урғочи ит” семемаси қанжық зооними билан англашилган [I,440]. Сўнгги зооним “Таржумон” тилида мавжуд [12a-7].

Маҳмуд Кошғарий луғатида умуман ҳайвонлар боласига нисбатан қўлланган энўк зооними [I,102] “Таржумон”да туркманлар тилида фақат ит боласини ифодалаши қайдланган ва у кўчўк зооними билан маънодош бўлган [12a-8].

Арслан зооними мушуксимон ваҳший ҳайвонлар ичида энг кучлиси, шерга нисбатан қўлланган. Ушбу зооним ҳам эркак, ҳам урғочи шерга нисбатан қўлланишини фақат контекст орқали билиб олиш мумкин: Арслан кökрäсä ат азақы тушалыр - Арслон ўкирса, ошнинг оёғи чалишади [II,171]. Ушбу мисолдаги арслоннинг ўкиришидан гап эркак арслон ҳақида бораётганлигини англаш мумкин. Қуйидаги гапда арсланнинг урғочиси хусусида маълумот берилган: Арслан экўклäди - Арслон болалади [I,300]. “Қисаси Рабғузий” тилида “эркак арслон” эркак арслан,”урғочи арслон” маъноси эса тиши арслан бирикмалари билан ифодаланган ва ҳ.к.

Шартли қисқартмалар:

1. ДЛТ - Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I-III.- Т., 1960-1963
2. ДТС - Древнетюркский словарь.- Л., 1969.
3. СУЯ - Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Т.I-II. Т.: Фан, 1966,1971.
4. Таржумон – “Таржумон” - XIV аср обидаси.- Т.: Фан, 1980.
5. Қисаси Рабғузий - Носируддин Буҳонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-2.- Т.: Ёзувчи, 1990-1991

Адабиётлар:

1. Абдушукуров Б. XI—XIV аср туркий ёзма манбалар тилидаги зоонимлар. Филол.фан.номзоди дисс… автореф.- Т.,1998
2. Базарова Д.Х. История формирования и развития зоологической терминологии узбекского языка.- Т.: Фан, 1978

Ўзбекистон Миллий университети,
2009 йил 6 июнда қабул қилинган.